# XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI DANG'ARA TUMAN KENGASHI QARORI

2021 - yil 10 - iyul VI-31-1-11-155-K/21 Dang'ara tuman hokimligi

## Халқ депутатлари Данғара тумани кенгашининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий хужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2.Туман ҳокимиг эскирган ва ўз ахамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3.Туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (У.Усмонов) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Данғара туман Кенгаши котибят мудири И.Эргашев зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **Ш.Тожиҳакимов**

Халқ депутатлари Данғара туман
кенгашининг
2021 йил 10 июлдаги
VI-31-1-11-155-K/21-сон қарорига
1-илова

Халқ депутатлари Данғара туман кенгашининг

2021 йил___ даги __ -сон қарорига

ИЛОВА

**Халқ депутатлари туман кенгашининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари**

РУЙХАТИ

1. Халқ депутатлари Данғара туман кенгашининг 2017 йил 21 апрелдаги “Данғара туманинг 2018 йилги махаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги 468-сонли қарори
2. Халқ депутатлари Данғара туман кенгашининг 2018 йил 20 апрелдаги “Данғара туманинг 2019 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги 530-сонли қарори
3. Халқ депутатлари Данғара туман кенгашининг 2019 йил 17 декабрдаги “Данғара туманинг 2020 йилги махаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги 7-сонли қарори.